



International Congress on Economics, Management and Business Studies

Hosted Online from New York, USA

Date: 23rd June , 2026

Website: <https://econferencia.com>

ШИРИНМИЯ (*Glycyrrhiza glabra* Linn.) ЎСИМЛИК ТУРИНИНГ ХЎЖАЛИК АҲАМИЯТИ

Хикматова Навбаҳор Навруз қизи

Қарши шаҳридаги Турон университети (магистрант)

Ширинмия (*Glycyrrhiza glabra* Linn.) – Fabaceae/Leguminosae оиласига кирувчи, дунё микёсида кенг тарқалган истиқболли фармацевтик хомашё сифатида ўрин тутвчи ўсимлик турларидан бири ҳисобланади (Angiospermae; Dicotyledoneae; Rosales; Fabaceae/Leguminosae; *Glycyrrhiza*) [Sharma et al., 2018; 87-100-б.; Perri et al., 2026; 1-14-б.].

Мазкур тадқиқотнинг **мақсади** – Ўзбекистон Республикаси Қашқадарё вилояти Яккабоғ тумани ҳудудида тарқалган ширинмия (*Glycyrrhiza glabra* Linn., Fabaceae/Leguminosae) ўсимлик турининг хўжалик аҳамиятини таҳлил қилишдан ташкил топган.

Тадқиқотларда Қашқадарё вилояти Яккабоғ тумани ҳудудида тарқалган ширинмия (*Glycyrrhiza glabra* Linn., Fabaceae/Leguminosae) ўсимлик тури кенг тарқалганлиги қайд қилинди.

Ширинмия (*Glycyrrhiza glabra* Linn.) кўп йиллик ўтсимон ўсимлик бўлиб, пояси тик ўсувчи (l=35-150 см), 9-15 тагача, тухумсимон/эллипссимон барг пластинкасига эга патсимон баргларга эга (l=7-15 см), барг қўлтиғидан чиқувчи шингил тўпгулда жойлашган гуллари бинафша, оқиш-ҳаворанг (l=0,8-1,2 см), гули нектарга эга (асал берувчи) меваси дуккак (l=2-3 см), дуккак ичида 3-7 тагача силлиқ юзасили уруғлари жойлашган (апрель-июль ойларида гуллаб, уруғлари май-сентябрь ойларида пишиб етилади) шохланувчи ўқ илдизли (l=5-7 м).

Ширинмия (*Glycyrrhiza glabra* Linn.) ер устки ва ер остки вегетатив/генератив органлари таркибидан кўп сонда биологик фаол



International Congress on Economics, Management and Business Studies

Hosted Online from New York, USA

Date: 23rd June , 2026

Website: <https://econferencia.com>

моддалар (алкалоид, полифенол, флавоноид, сапонин, танин ва бошқ.) ажратиб олинган бўлиб, кенг спектрда фармакологик фаолликка (антимикроб, антивирус, антикоагулянт, антиоксидант, гепатопротектор, антидиабет, антиканцероген, иммуномодулятор ва бошқ.) эгаллиги тасдиқланган [Sharma et al., 2018; 87-100-б.; Perri et al., 2026; 1-14-б.; Rashid et al., 2026; 1-17-б.].

Ҳозирда дунё миқёсида турли шаклларда (озик-овқат маҳсулотлари, косметика, фармацевтик хомашё ва бошқ.) ишлаб чиқарилувчи (етақчи ишлаб чиқарувчилар – Хитой, Эрон, Туркия, Сурия ва Афғонистон) ширинмия бозори қиймати йиллик 4,7 млрд АҚШ долларига тенг бўлиб, 2031 йилга бориб, мазкур қиймат 5,4 млрд га ортиши прогноз қилинади (йилига 3,7% ўсиш) [Madeo et al., 2026; 1-24-б.].

Мазкур қимматли ўсимлик турини республикада кўпайтириш, тайёр хомашё шаклида экспорт қилиш, шунингдек турли мақсадларда маҳаллий ишлаб чиқариш жараёнига татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 апрелдаги “Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4670-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Доривор ўсимликларни маданий ҳолда етиштириш ва қайта ишлаш ҳамда даволашда улардан кенг фойдаланишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 20 майдаги ПҚ-251-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида қизилмия етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 1995 йил 7 декабрдаги 453-сон қарорида Қорақалпоғистон Республикаси, Сирдарё, Хоразм вилоятларида ширинмия (қизилмия) (*Glycyrrhiza glabra* L.) хомашёсини етиштириш вазифаси белгиланган.



International Congress on Economics, Management and Business Studies

Hosted Online from New York, USA

Date: 23rd June , 2026

Website: <https://econferencia.com>

Ҳозирда республикада ширинмия 2 000 га дан ортиқ ер майдонларига экилиб, ўсимлик илдизи куруқ оғирлиги йилига 18,5 млн тоннани ташкил қилиши қайд қилинади [Khaitov et al., 2021; 1-11-б.].

Қашқадарё вилояти ҳудудида кенг тарқалган, Fabaceae (Lindl., 1836) оиласининг қимматли фармацевтик хомашё сифатида тасдиқланган турларидан бири – ширинмия ўсимлиги (*Glycyrrhiza glabra* L.) ўсимлигидан ажратиб олинган глицирризин кислотаси антивирус, иммунитетимулятор, яллиғланишга қарши, антиаллергик, гепатопротектор таъсирга эга бўлган фармакологик препаратлар ишлаб чиқишда истиқболли агент сифатида қайд қилинади ва қадимдан Хитой, Шарқ, Япония, Корея, Европа (Австрия, Италия, Россия, Польша ва бошқ.) микёсида халқ табобатида, расмий фармацевтикада фойдаланиб келинган ва илмий тадқиқотлар объекти ҳисобланади [Sharma et al., 2018; 87-100-б.; Perri et al., 2026; 1-14-б.].

Ширинмия (*Glycyrrhiza glabra* Linn., Fabaceae/Leguminosae) – Ўзбекистон Республикаси, жумладан Қашқадарё вилояти ҳудудида кенг тақалган ўсимлик тури бўлиб, фармакология/фармацевтика нуқтаи назаридан истиқболли хомашаё манбаи ҳисобланади. Ўз навбатида, мазкур ўсимлик турининг био-экологик хусусиятлари, агротехнологияси, кўпайтириш (жумладан, *in vitro* шароитида микроклонлаш услубида), саноат микёсида фойдаланиш технологиялари йўналишида илмий-тадқиқотлар кўламини ошириш тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Sharma V., Katiyar A., Agrawal R.C. *Glycyrrhiza glabra*: Chemistry and Pharmacological Activity // In: “Sweeteners. Reference Series in Phytochemistry”. (Merillon J.M., Ramawat K. (Eds.). – Springer. – 2018. – P.87-100.



International Congress on Economics, Management and Business Studies

Hosted Online from New York, USA

Date: 23rd June , 2026

Website: <https://econferencia.com>

2. Perri M.R., Lupia C., Vagvolgyi M., Hunyadi A., Bartha S., Minorics R., Zupko I., Marrelli M., Conforti F., Statti G. Glycyrrhiza glabra L. extracts with potential antiproliferative and anti-migration activities against breast and gynecological cancer cell lines // *Plants*. – 2026. – V.15(475). – P.1-14.
3. Khaitov B., Urmonova M., Karimov A., Sulaymonov B., Allanov K., Israilov I., Sottorov O. Licorice (Glycyrrhiza glabra) – Growth and phytochemical compound secretion in degraded lands under drought stress // *Sustainability*. – 2021. – V.13(2923). – P.1-11.
4. Rashid A., Alishba, Umer A., Bashir M., Awan A., Maqbool W., Khalid N., Altaf M., Kharl H.A.A. Multi-target hepatoprotective mechanisms of Glycyrrhiza glabra: Molecular pathways, experimental evidence, and clinical translation // *Journal of Health, Wellness and Community Research*. – 2026. – V.4(5). – P.1-17.
5. Madeo L., Macario A., Napoli F., De Luca P. Licorice (Glycyrrhiza glabra): Botanical aspects, multisectoral applications, and valorization of industrial waste for the recovery of natural fiber in a circular economy perspective // *Fibers*. – 2026. – V.14(14). – P.1-24.